

ИЛМИЙ ҲАЁТ

ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА

ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ



5-БОБ: ФОЙДАЛАНУВЧИ/ЎҚУВЧИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ

5.2.1.2 Грамматик компетенция

Грамматик компетенция деганда тилнинг грамматик элементларини билиш ва улардан нутқда фойдаланиш қобилияти тушунилади.

Расман грамматикани элементларнинг тартибли занжирини, бошқача айтганда, гап тузиш имкониятини берадиган қоидалар йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин. Ҳар қандай тилнинг грамматик тузилиши мураккаб тузилма билан изоҳланади. Ушбу хужжат муаллифлари мавжуд назарияларни таҳлил қилиш ва уларнинг афзалликлари ёки камчиликларини баҳолашни мақсад қилиб олмаган. Мазкур бўлимда фақатгина тилнинг грамматик тавсифида анъанавий ҳолда қўлланиладиган параметр ва категориялар келтирилади. Тилнинг грамматик тавсифи қуйидаги тушунчаларни аниқлаштиришни ўз ичига олади:

элементлар:	морфлар, морфемалар (ўзак ва аффикслар) сўзлар;
категориялар, масалан:	сон, келишик, род аник/мавхум, санок/саноксиз, ўтимли/ўтимсиз, аник/ мажхул нисбат, ўтган/ҳозирги/келаси замон, илғор, перфектив/имперфектив тур тусланиш;
синфлар, масалан:	турланиш, сўзларнинг очик синфлари: от, феъл, сифат, равиш; сўзларнинг ёпик синфлари

(грамматик элементлар - 5.2.1.1 (в)га қаранг),
 мураккаб сўзлар, сўз бирикмалари (субстантив
 феъл ва бошқалар);
 бош ва эргаш гаплар, оддий, боғланган қўшма,
 тузилиш, эргашган қўшма гаплар,
 масалан: номинализация,
 аффиксация;
 супплетивизм,
 унлиларнинг кетма кет келиши,
 жараёнлар, транспозиция,
 масалан: трансформация
 бўйсунуш,
 келишиш,
 битишув ва бошқалар.

алоқа турлари,
 масалан:

Нутқнинг грамматик тўғрилигини тавсифловчи даражалар шкаласи ишлаб чиқилган. Қайд этиш керакки, ўқувчи томонидан мавжуд барча тилларнинг грамматик тузилишини билиш даражасини аниқлаш учун ягона шкалани ишлаб чиқиш имконсиздир.

НУТҚНИНГ ГРАММАТИК ТЎҒРИЛИГИ	
C2	<i>Ҳатто ўқувчининг диққати бошқа нарсага қаратилган бўлса ҳам, у мураккаб нутқнинг грамматик жиҳатдан тўғрилигининг барқарор юқори даражаси (масалан, кейинги фикрларини режаслаштириши, суҳбатдошнинг муносабатини кузатиши).</i>
C1	<i>Нутқнинг грамматик жиҳатдан тўғрилигининг барқарор юқори даражаси: хатоларга камдан- кам йўл қўяди.</i>
B2	<i>Назоратнинг яхши даражаси: ўқувчи гап тузишда кам ва сезиларсиз хатоларга йўл қўяди ва уларни ўзи тўғирлай олади.</i>
	<i>Грамматик тўғрилиқнинг нисбатан юқори даражаси. Ўқувчи фикрнинг мазмунини бузадиган хатоларга йўл қўймайди.</i>
B1	<i>Мулоқотнинг таниш вазиятларида етарлича саводли нутқ. Она тилининг таъсири сезиларли даражада. Хатолар учрайди, аммо фикрнинг умумий маъноси тушунарли бўлади.</i>
	<i>Кўп учрайдиган вазиятлар билан боғлиқ стандарт тузилмаларнинг маълум миқдоридан етарлича саводли фойдаланиши.</i>
A2	<i>Оддий грамматик тузилмаларни тўғри қўллайди, аммо тизимли равишда оддий хатоларга йўл қўяди(масалан, вақт ва фаслларни адаштиради, мослашувни нотўғри тузади), шунга қарамай, фикрнинг умумий мазмуни тушунарли.</i>

AI	<i>Оз миқдордаги ёдланган гап тузилма ва моделларини қўллай олади.</i>
	<p><i>Қуйидаги саволларни таҳлил қилиш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> •Сиз ўз ишингизда грамматиканинг қандай назариясидан фойдаланасиз? •Тил ўрганувчи қандай грамматик элементларни, категорияларни, синфларни, тузилмаларни, жараёнларни, алоқа турларини ва бошқаларни ўзлаштириши зарур?

Грамматикани ўрганишда анъанавий тарзда грамматика ва синтаксис ажратиб кўрсатилади.

Морфология сўзларнинг ички тузилишини ўрганади, бунда сўзда қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

- ўзак;
- аффикслар (префикслар, суффикслар, инфикслар), шу жумладан:
- сўз ясовчи (re-, un-, -ly, -ness);
- шакл ясовчи (-s, -ed, -ing).

Сўз ясаш:

Сўзлар қуйидагиларга бўлинади:

- оддий бир ўзакли (масалан, six, tree, break);
- кўп морфемали (ўзак + аффикслар, масалан, unbrokenly, sixes);
- мураккаб (бир неча ўзакдан ташкил топган, масалан, sixpence, breakdown, oak-tree, eveningdress).

Шунингдек, морфология шакл яшашнинг турли усулларини ҳам ўрганади:

Унлиларнинг кетма-кетлиги(sing/sang/sung, mouse/mice).

Ундошларнинг кетма-кетлиги (lend/lent).

Феълнинг нотўғри шакллари (bring/brought, catch/caught).

Супплетив шакллар(go/went).

Нолли шакллар (sheep/sheep, cut/cut/cut).

Морфология сўзлардаги морфемаларнинг фонетик ўзаро боғланган вариантларини (walks, lies, rises сўзларида s/z/id; laughed, cried, shouted сўзларида t/d/id) ва морфологик ўзаро боғланган фонетик вариантларни (i:/e в creep/crept, mean/meant, weep/wept) ўрганади.

<p><i>Қуйидаги саволни таҳлил қилиш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> •Ўқувчи қандай морфологик элемент ва жараёнларни ўзлаштириши керак?
--

Синтаксис гап ичида сўзларнинг боғланганлиги ва жойлашиш тартибини ўрганади (аксарият ҳолларда қоидалар тарзида келадиган категориялар, элементлар, синфлар, тузилмалар, жараёнлар, алоқа турлари асосида).

Қуйидаги саволни таҳлил қилиш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:
 • Ўқувчи қандай грамматик элемент, категория, синф, тузилма, жараён ва муносабатларни ўзлаштириши керак?

5.2.1.3 Семантик компетенция

Ўқувчининг семантик компетенцияси муайян маънони ақс эттиришнинг мавжуд усуллари билиш ва уларни қўллай олиш қобилиятида намоён бўлади.

Лексик семантика сўз маъноси масалалари билан шуғулланади, масалан:

- умумий тил контекстидаги сўз:
- референция;
- коннотация;
- айрим умумий тушунчаларни баён этиш усуллари.
- тил бирликлари ўртасидаги муносабат:
- синонимия/антонимия;
- гипонимия;
- ўзаро боғлиқлик;
- род-тур муносабатлари;
- батафсил таҳлил;
- таржимадаги мосликлар.

Грамматик семантика грамматик элементлар, категориялар, тузилмалар, жараёнларнинг маъносини ўрганади (5.2.1.2 га қаранг).

Прагматик семантика индукция, пресуппозиция, импликация ва бошқа мантикий муносабатларни ўрганади.

Қуйидаги саволни таҳлил қилиш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:
 Ўқувчи семантик муносабатларнинг қандай турларини ўзлаштирган бўлиши керак?

Маъно масалалари мулоқотда марказий ўрин тутди ва ушбу ишда зарур ўринларда кўриб чиқилган (жумладан, 5.1.1.1 бўлимга қаранг). Лингвистик компетенция бу ўринда шаклий жиҳатдан кўриб чиқилган. Назарий ёки дескриптив лингвистика тилни рамзларнинг ўта мураккаб тизими сифатида ўрганади. Шаклий таҳлилдан тил ўрганиш/тилни ўқитиш жараёнида фойдаланиш керакми, деган савол ҳам туғилади. Жумладан, Европа Кенгаши томонидан эълон қилинган “Waystage 1990, Threshold Level 1990 Vantage Level” хужжатларида лингвистик компетенция мазкур Хужжатнинг 5.2.1-3 қисмидагидан бошқача тарзда қараб чиқилган.

5.2.1.4. Фонологиккомпетенция

қуйидагиларни ўзлаштириш ва бажара олиш билим ва кўникмаларини ўз ичига олади:

- тилнинг товуш бирликлари (фонемалар) ва уларнинг вариантлари (аллофонлар);
- фонемаларнинг артикуляция-акустика характеристикалари (масалан, жарангдорлик, лаблашиш, назализация ва бошқалар);
- сўзларнинг фонетик қурилишини (бўғин тузилиши, фонемаларнинг кетма кетлиги, сўздаги урғу, тон).
 - просодика:
 - урғу ва ритм;
 - интонация;
 - фонетик редукция;
 - унлилар редукцияси;
 - кучли ва кучсиз шакллар;
 - ассимиляция;
 - охирги унлининг тушиб қолиши.

	ФОНОЛОГИЯНИ ЎЗЛАШТИРИШ
C2	<i>C1 даражасига қаранг.</i>
C1	<i>Тегшли интонация ва мантиқий урғу воситасида маънонинг нозик жиҳатларини етказиб бера олади.</i>
B2	<i>Табий аниқ ва равон талаффуз эгаллаган.</i>
B1	<i>Баъзида хорижий акцент, айрим сўзларнинг нотўғри талаффуз қилиниши кузатилса ҳам, талаффуз анчайин аниқ ва равон.</i>
A2	<i>Гарчи акцент сезилиб турсада, талаффуз анчайин тушунарли, аммо суҳбатдошлар айрим сўз ва жумлаларни такрорлашни сўрашлари мумкин.</i>
A1	<i>Фақат ёдлаб олинган кам сонли сўз ва жумлаларни талаффуз қилиши мумкин. Хорижликлар билан мулоқотда бўлмаган тил вакили бунини тушуниб олиши қийин кечади.</i>

<p><i>Қуйидаги саволларни таҳлил қилиш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар қандай янги фонологик кўникмаларни ўзлаштиришлари керак? • а) товушлар ва б) просодия қанчалик муҳим? • нутқнинг фонетик тўғрилиги ва равонлигига эришиш ўқитишнинг дастлабки босқичининг мақсади бўлиши керакми ёки ўқув жараёнининг узоқ муддатли мақсадига айланиши зарурми?

5.2.1.5 Орфографик компетенция

Орфографик компетенция ёзма матнларни яратишда зарур бўладиган тимсолларни билишни, уларни тушуниш ва ёзувда ифодалашни билишни

назарда тутати. Маълумки, ёзув алифбога асосланган, шунингдек бошқа тизимлар ҳам мавжуд, масалан, иероглиф ёзуви (хитой тили), консонант ёзув (араб тили). Алифбо тизимларида ўқувчилар қуйидагиларни билишлари керак:

- харфлар шаклини (босма ва кўлёзма, бош ва кичик);
- сўзларнинг ёзилиши, жумладан, умумқабул қилинган муружаатларни;
- пунктуация белги ва қоидаларини;
- умумқабул қилинган шартли белгиларни, шрифтларнинг турлари ва бошқаларни;
- барчага маълум тимсолларни (@, &, \$ ва бошқалар).

5.2.1.6 Орфоэпик компетенция

Ўқувчилар баъзида олдиндан тайёрланган матнни овоз чиқариб ўқишларига ёки фақат ёзма матндагина кўрган сўзларини талаффуз қилишларига тўғри келади.

Сўзни унинг график шакли бўйича тўғри ўқиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- имло қоидаларини билиш;
- луғатдан фойдаланиш кўникмаси, транскрипциянинг анъанавий тарзда кўлланиладиган тизимларини билиш;
- пунктуация белгиларини матнни қисмларга ажратиш ва интонациявий безаш билан боғлаш қобилияти;
- контекстан келиб чиқиб, сўзнинг маъносини, ёки омоним, бошқача айтганда, грамматик полисемия ҳолатларида синтаксик тузилмани аниқлаш қобилияти.

ОРФОГРАФИЯНИ ЎЗЛАШТИРГАНЛИК	
C2	<i>Орфографик хатолар мавжуд эмас.</i>
C1	<i>Матннинг график жиҳатдан аниқ, раво ва тушунарли тузилганлиги, орфография қоидаларига риоя этилиши, айрим хатолар учрайди.</i>
B2	<i>Хатбошилар ва бошқаларни тузиш қоидаларига риоя қилган ҳолда ўзаро боғланган тушунарли матнлар туза олади. Орфография ва пунктуация қоидаларига асосан риоя этилади, аммо баъзида она тилининг таъсири сезилади.</i>
B1	<i>Ўзаро боғланган тушунарли матнлар туза олади. Орфография, пунктуация ва матн тузилиши етарлича раво ва аниқ.</i>
A2	<i>Кундалик мавзудаги қисқа гапларни қайта ёза олади. Товуш шакли таниш бўлган қисқа сўзларни ёза олади(имло қоидаларидан биров четлашмиши мумкин).</i>

A1	Таниш сўзлар ва қисқа жумлаларни(оддий йўриқномалар, дўконларнинг номлари, кўп қўлланиладиган жумлалар) қайта ёза олади. Ўзининг уй манзили, исми, миллатини ёза олади.
----	---

Қуйидаги саволни таҳлил қилиш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:
 •Ўқувчига оғзаки ва ёзма нутқни ўзлаштириш ва уни қўллаш, шунингдек оғзаки матнларни ёзма шаклга ва тескарисига ўгириш учун қандай орфографик ва орфоэтик билим, кўникма ва қобилиятлар зарур бўлади?

5.2.2 Ижтимоий лингвистик компетенция

Ижтимоий лингвистик компетенцияга тилдан ижтимоий контекстда самарали фойдаланиш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар киради.

Юқорида қайд этганимиздек, тил ижтимоий-маданий ҳодисаларга мансуб. Мазкур ишда мавжуд бўлган ижтимоий-маданий жиҳатга оид кўп нарсалар ижтимоий лингвистик компетенция учун ҳам аҳамиятлидир.

Қуйидаги ижтимоий муносабатларнинг лингвистик маркерлари, ҳушмуомалалик қоидалари, халқ донишмандлиги намуналари, мулоқот регистрлари, диалект ва акцентлар келтириб ўтилган.

5.2.2.1 Ижтимоий муносабатларнинг лингвистик маркерлари

Ижтимоий муносабатларнинг маркерлари турли тиллар ва маданиятларда қуйидагилардан келиб чиқиб ўзгариб туради: а) суҳбатдошларнинг мақомидан; б) уларнинг муносабатидан; в) мулоқот тегиридан ва бошқалардан.

Қуйида инглиз тили материаллари асосида келтирилган мисоллар универсал эмас, шу боис бошқа тилларга мос келиши ҳам, мос келмаслиги ҳам мумкин:

- Саломлашиш формулаларини танлаш ва қўллаш:
- учрашганда, масалан: «*Hello! Good morning!*»;
- танишганда, масалан:«*Howdoyou do?*»;
- хайрлашаётганда, масалан: «*Good bye... See you later*».
- Мулоқот шакллариини танлаш ва қўллаш:
- эскирган, масалан: *MyLord, YourGrace*;
- расмий, масалан: *Sir, Madam, Miss, Mr., Miss, Ms.* (+фамилия), *Dr., Professor* (+ фамилия);
- норасмий, масалан: фақат сими билан: *John! Susan!*
- Мурожаатнинг маълум бир шаклисиз;
- дўстона, масалан: *dear, darling, mate, love*;
- хукмронона, масалан, фақат фамилияси билан: *Smith! You (there)!*

• ҳақоратли, масалан: «*you stupid idiot!*» (аксарият ҳолларда яхши кўргандан).

• Мулоқот жараёнидаги шартлилик:

• ундовларни танлаш ва кўллаш, масалан: *Dear, dear! My God! Bloody Hell! (Smith! You (there)!)*

5.2.2.2 *Хушмуомалалик қоидалари*

Хушмуомалалик қоидалари инсонларни “кооперация принциплари”дан чекинишга мажбур қилувчи сабаблардан биридир (5.2.3.1 га қаранг). Айнан хушмуомалаликнинг миллий ўзига хосликларини билмаслик аксарият ҳолларда турли тиллар вакиллари ўртасида тушунмовчиликни келтириб чиқаради.

1. «*ижобий*» хушмуомалалик

- суҳбатдошга қизиқиш билдириш ва бошқалар;
- фикр ва таассуротлар алмашиш, «дилдан суҳбат» ва бошқалар;
- қойил қолиш, миннатдорчилик ва бошқаларни билдириш;
- совға топшириш, меҳмондўстликни намоён қилиш.

2. «*салбий*» муомала

- беадаб хатти-ҳаракатни инкор этиш (догматизм, буйруқ ва бошқалар);
- афсусланиш, беадаб хатти-ҳаракат учун узр сўраш (қўшилмаслик, тақик ва бошқалар);
- қатъият, шартакилик кабиларни юмшатовчи жумлаларни кўллаш («I think», бўлакланган саволлар).

3. Нутқий этикет формулаларидан мос равишда фойдаланиш (please, thank you).

4. Хушмуомалалик меъёрларидан атайлаб четга чиқиш:

- ўта шартакилик, ростгўйлик;
- менсимасликни, нафратланишни билдириш;
- шикоятлар, гина қилиш;
- бесабрликни, аччиқланишни билдириш;
- ўзининг устунлиги ҳиссини билдириш.

5.2.2.3 *Халқ донишмандлиги*

Барча тилларда халқнинг кўп асрлик тажрибасини акс этирувчи донишмандлик намуналари ҳисобланган фикрлар, иборалар мавжуд. Улар ўша халқ маданиятининг узвий бир қисми ҳисобланади. Улардан мулоқотда тез-тез фойдаланиб турилади.

• мақоллар, масалан: *a stitch in time saves nine;*

- идиомалар, масалан: *a sprat to catch a mackerel*;
- ҳикматли сўзлар, масалан: *a man's a man for a 'that*;
- афсоналар, прим-сиримлар, масалан: *Fine before seven, rain by eleven*.
- муносабатни акс эттириш, масалан: *It takes all sorts to make a world*;
- баҳони акс эттириш, масалан: *// 's not cricket*.

5.2.2.4 Мулоқот регистрлари

•тантаналли, маросимга оид, масалан: *Pray silence for his Worship the Mayorl*.

- расмий, масалан: *May we now come to order, please*.
- нейтрал, масалан: *Shall we begin?*
- норасмий, масалан: *Right. What about making a start?*
- сўзлашувга оид, масалан: *O.K. Let's got going*.
- интим, масалан: *Readydear?*

5.2.2.5 Диалект ва акцент

Ижтимоий-лингвистик компетенция шахсинг тилга оид ўзига хосликларини унинг қуйидаги хусусиятларидан келиб чиқиб аниқлашни ўз ичига олади:

- ижтимоий мансублиги;
- яшаш жойи;
- келиб чиқиши;
- этник мансублиги;
- фаолият тури(касби) .

Ушбу ўзига хосликлар қуйидаги даражаларда акс этади:

- лексика (*small* ўрнига шотландча *wee*);
- грамматика (*haven't seen anything* ўрнига *ain 't seen nothing*);
- фонетика (*bird* ўрнига Нью-йоркча *Void*);
- гапириш услуби (ритм, баландлик);
- паралингвистика;
- имо-ишоралар тили.

ИЖТИМОЙ-ЛИНГВИСТИК ТЎҒРИЛИК	
C2	<p><i>Идоматик ва сўзлашув жумлаларини яхши ўзлаштирган, жумла ва сўзларнинг коннотациясини яхши тушунади.</i></p> <p><i>Тил вакиллари нутқидаги ижтимоий-лингвистик ва ижтимоий-маданий тағмағнони тушунадива шунга мос равишда муносабат билдира олади.</i></p> <p><i>Ўзининг она тили ва ўрганилаётган тил вакиллари ўртасида воситачи бўла олади.</i></p>

С1	<p><i>Кўплаб идиоматик ва сўзлашув жумлаларининг маъносини тушунади, мулоқот регистрларини фарқлайди, аммо баъзи ҳолларда, айниқса, суҳбатдошнинг акценти нотаниш бўлганда, қайта сўрашига тўғри келади.</i></p> <p><i>Қаҳрамонлари кўплаб жаргон ва идиоматик жумлаларни ишлатадиган фильмларнинг мазмунини тушунади.</i></p> <p><i>Турли вазиятларда, жумладан ҳиссиётларни, тагмаънони, ҳазилларни етказиб бериш учун, тил воситаларидан усталик билан ва самарали фойдалана олади.</i></p>
В2	<p><i>Мулоқотнинг ҳам расмий, ҳам норасмий регистрдан ишонч билан фойдалан олади, тегишли вазиятга мос келадиган регистрни танлашни билади.</i></p> <p><i>Гуруҳдаги мунозараларда, гарчи нутқ темпи юқори ва жумлалар оқими кўп бўлса ҳам, айрим чекловлар билан иштирок эта олади.</i></p> <p><i>Тил вакиллари билан улар учун табиий бўлган услубда, уларнинг жисига тегмасдан гаплаша олади.</i></p> <p><i>Турли вазиятларда жиддий хатоларга йўл қўймасдан ўз фикрини баён эта олади.</i></p>
В1	<p><i>Тил функциясининг кенг спектрини эгаллаган, мулоқот жараёнида улар орасидан энг кўп тарқалганларини қўллай олади.</i></p> <p><i>Хушмуомалаликнинг энг кўп тарқалган меъёрлари билан таниш, мулоқот жараёнида улардан фойдалана олади.</i></p> <p><i>Она юртида ва тилини ўрганаётган мамлакатда мавжуд бўлган бир-биридан фарқ қилувчи анъана ва қадриятларни билади, мазкур фарқларнинг тилдаги аксини тушунади.</i></p>
А2	<p><i>Тилдан фойдаланишининг асосий турларида, масалан, оддий маълумот, фикр ва қарашларни билдиришида иштирок эта олади.</i></p> <p><i>Етарлича самарали мулоқот қилишга ёрдам берадиган энг оддий жумлаларни билади.</i></p> <p><i>Мулоқотнинг оддий ҳолатларида иштирок эта олади, салмолашиши, хайрлашиши ва мурожаат қилишининг кундалик хушмуомала шаклларида фойдаланишни билади. Таклиф этиши/таклифни қабул қилиши, узр сўраш/узрни қабул қилиши ва бошиқаларни билдириш кўникмасига эга.</i></p>
А1	<p><i>Саломлашиши, хайрлашиши, миннатдорчилик билдириши, узр сўрашнинг оддий хушмуомала шаклларида фойдаланиб мулоқотга кириша олади.</i></p>

Қуйидаги саволларни таҳлил қилиш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:

- ўқувчи саломлашиши, мурожаат қилиши, чақиришининг қандай шакллари: а) билиши; б) баҳолаши; в) ўз нутқида ишлата олиши керак?
- ўқувчи хушмуомалаликнинг қандай шакллари: а) билиши ва тушуниши; б) қўллай олиши керак?
- ўқувчи кўпол муомаланинг қандай шакллари: а) билиши ва тушуниши; б) муайян вазиятларда қўллай олиши (айнан қандай вазиятларда) керак?
- ўқувчи халқ оғзаки ижодига оид қандай мақолларни, ибораларни, қайроқи гапларни: а) билиши ва тушуниши; б) қўллай олиши керак?
- ўқувчи мулоқотнинг қандай регистрларини: а) билиши б) қўллай олиши керак?
- ўқувчи тили ўрганилаётган мамлакатда ёки бошқа мамлакатларда қайси

ижтимоий гуруҳлар вкаилларини ўзига хос тилга оид характеристикалари асосида таний олиши керак?

5.2.3 Прагматик компетенция

Прагматик компетенция куйидагилардан ташкил топади:

- а) дискурс компетенцияси (фикрларни тузиш ва уларни матнга бирлаштириш қоидаларини билиш);
- б) функционал компетенция (фикрлардан турли мулоқот вазифаларини бажаришда фойдаланиш кўникмаси);
- в) нутқнинг схематик тузилишикомпетенцияси (ўзаро муносабат схемаларига риоя этган ҳолда фикрларни кетма кет тузиш кўникмаси).

5.2.3.1 *Дискурс компетенцияси* куйидагиларни ҳисобга олган ҳолда гапларни яхлит боғланган матнга айлантира олиш кўникмасини ўз ичига олади:

- топик/фокус;
- маълум/янги маълумот;
- ҳаракатларнинг табиий кетма кетлиги;
- сабаб-оқибатли муносабатлар;
- мавзу;
- боғланганлик ва яхлитлик;
- мантиқ;
- мулоқот услуби ва регистри;
- суҳбатдошга таъсир ўтказиш.
- Грайснинг ҳамкорлик принципи, “куйидаги максималарга риоя этган ҳолда суҳбатнинг мақсади ва йўналишидан келиб чиқиб:
 - фақат ҳақиқатни акс эттирувчи маълумотни хабар қилиш (сифат максимаси);
 - етказилаётган хабарни мос равишда меъёрлаштириш (миқдор максимаси);
 - хабарни мавзуга нисбатан релевант қилиш (муносабат максимаси);
 - нутқни аниқ, бир маъноли ва кетма кет бўлишини таъминлаш (нутқ услуби максимаси).

Мазкур принциплардан четга чиқиш мақсадлар билан оқланиши мумкин. Ушбу принципларга риоя қила олмаслик эса ўзини оқлаш учун асос бўла олмайди.

- **Матнинг тузилиши:** ўрганилаётган тилда матн тузилишининг асосий принципларини билиш:

- турли макрофункцияларни бажарувчи матнларда маълумот қандай жойлашади;
- воқеалар, латифаларни қай тарзда айтиб бериш керак;
- асослаш қандай тузилади (суддаги чиқишларда, баҳсларда ва бошқаларда);
- боғланган ёзма матн қандай тузилади (иншо, иш юзасидан хат ва бошқалар).

Она тили бўйича машғулотларда дискурс компетенциялари устида ишлаш таълимнинг илк босқичларидаёқ бошланади. Чет тилини ўрганишнинг илк босқичларида ўқувчилар алоҳида гаплар устида ишлашади.

Ўқувчилар томонидан босқичма босқич дискурс компетенцияларининг эгалланишини ақс эттирувчи шкалалар ўз ичига қуйидаги жиҳатларни олади:

- нутқий вазиятларга мослашганлик;
- диалог олиб бориш;
- мавзунини ривожлантириш;
- яхлитлик ва боғланганлик.

МОСЛАШИШ ДАРАЖАСИ	
C2	<i>Нисбатан муҳим маълумотни ажратиб кўрсатиш, икки хил талқин этилишининг олдини олиш учун тил воситаларидан эркин фойдаланади; вазият ва суҳбатдош шахсидан келиб чиқиб фикрларини тез ва осон ўзгартира олади.</i>
C1	<i>B2+ даражага қаранг.</i>
B2	<i>Вазият ва суҳбатдош шахсидан келиб чиқиб тил воситаларини ўзгартирган ҳолда ўз фикрларини мослаштира олади.</i>
	<i>Мулоқотнинг бошқа регистрга ўта олади; суҳбатмавзуси, йўналишидаги ўзгаришга осон ва тез муносабат билдири олади; заруратга қараб фикрларини бошқача баён этиши мумкин</i>
B1	<i>Ноодатий ва қийин вазиятларда мулоқот қилиш учун ўз ихтиёрида бўлган тил воситалариорасидан энг мақбулларини танлайди.</i>
	<i>Оддий тил воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда ўз фикрларини баён этиши мумкин.</i>
A2	<i>Ёдлаб олинган оддий жумлалардан фойдалана олади, бунда вазиятдан келиб чиқиб уларнинг айрим лексик элементларини ўзгартириши мумкин.</i>
	<i>Ёдлаб олинган жумлалардаги элементларни оддий алмаштириши йўли билан уларни ўзгартириши мумкин.</i>
A1	<i>Дескриптор мавжуд бўлмайди.</i>
МУЛОҚОТ ОЛИБ БОРИШ	
C2	<i>C1 даражага қаранг.</i>
C1	<i>Кенг қўламли тил воситалари орасидан сўз сўраш учун зарур жумлаларни танлаш, сўзга чиққанда гапириши учун фикрларини жамлаб олиш учун вақтдан</i>

	<i>ютиши қўлидан келади.</i>
B2	<i>Мунозарага зарур пайтда қўшилиши, бунинг учун вазиятга мос келадиган тил воситаларидан фойдаланиши кўникмасига эга. Суҳбатни бошлаш ва давом эттиришини, уни ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб яқунлашни билади. Фикрларини жамлаб олиши учун вақтдан ютиши мақсадида стандарт жумлалардан (масалан, “Бу жуда қизиқ савол” каби) фойдалана олади.</i>
B1	<i>Ўзига таниши мавзуда мунозарага қўшилиши ҳамда диққатни ўзига тортиши учун зарур жумлаларни топа олади. Таниши ёки ўзини қизиқтирадиган мавзуда суҳбатни бошлаши, давом эттириши ва яқунлаши мумкин.</i>
A2	<i>Қисқа суҳбатни бошлаш, давом эттириши ва яқунлаш бўйича оддий кўникмаларга эга. Оддий суҳбатни бошлаши, давом эттириши ва яқунлаши мумкин. Суҳбатдошларининг диққатини ўзига торта олади.</i>
A1	<i>Дескриптор мавжуд бўлмайди.</i>

	МАВЗУНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
C2	<i>С1 даражага қаранг.</i>
C1	<i>Таърифловчи ёки баён қилувчи хусусиятга эга яхши тузилган, марккаб гаплар туза олади. Фикрини мантиқий яқунлаши, айрим жиҳатларни батафсил ёритиб бериши мумкин.</i>
B2	<i>Таърифловчи ёки баён қилувчи хусусиятга эга гапларни аниқ ва равон тузади, айрим жиҳатларни мисоллар ёрдамида нисбатан батафсил ёритиб бера олади.</i>
B1	<i>Оддий таърифловчи ва ҳикоя қилувчи матннинг асосий бандларини нисбатан равон ва кетма кет баён эта олади.</i>
A2	<i>Воқеа мазмунини баён эта, оддий кетма кетликдаги гаплар шаклида бирор нарсани таърифлаб бера олади .</i>
A1	<i>Дескриптор мавжуд бўлмайди.</i>
	ЯХЛИТЛИК ВА БОҒЛАНГАНЛИК
C2	<i>Турли хил матн моделлари ва боғловчи воситалардан фойдаланиб яхлит ва ўзаро боғланган матнлар туза олади.</i>
C1	<i>Жумла тузиши воситаларини яхши эгаллаган, аниқ тузилишига эга тушунарли ва мантиқий матнлар туза олади.</i>
B2	<i>Турли хил боғловчи воситалар ёрдамида фикр элементлари ўртасидаги муносабатни аниқ ва тушунарли тарзда етказиб бера олади. Маъулм бир алоқа воситалари тўпламидан фойдаланган ҳолда аниқ ва мантиқий фикрлар туза олади, аммо нисбатан узун фикрлар етарлича мантиқий бўлмай қолиши мумкин.</i>

B1	<i>Фикрнинг бир нечта оддий қисқа элементларини мантиқан ва кетма кет жойлаштира олади.</i>
A2	<i>Кўп қўлланиладиган боғловчи сўзлардан фойдаланиб, улар ёрдамида боғланган оддий гаплар кетма кетлиги кўринишида воқеанинг мазмунини баён этиши, бирор нарсага таъриф бериши мумкин.</i>
	<i>Гаптаги сўздар гуруҳларини бирлаштириши учун «and», «but», «because» каби оддий боғловчилардан фойдалана олади.</i>
A1	<i>Сўз ва сўз бирикмаларини боғлаш учун оддий боғловчилардан фойдалана олади.</i>

5.2.3.2 Функционал компетенция

Функционал компетенция дейилганда аниқ бир вазифаларни бажариш учун оғзаки ва ёзма фикрлардан фойдалана олиш кўникмаси тушунилади (4.2 га қаранг). Микрофункциялар интерактив тузилишга эга бўлади. Нисбатан мураккаб вазиятларбир қатор макрофункцияларни акс эттирувчи тузилишга эга бўлади.

1. *Микрофункциялар* – одатда ўзаро муносабат жараёнида айрим, аксарият ҳолларда, қисқа фикрлардан функционал фойдаланиш тоифалари. Микрофункцияларга Европа Кенгашининг «Бошланғич даража» (1990) номли ҳужжатининг 5-бобида нисбатан батафсил таъриф берилган.

1.1 аниқ маълумотни излаш ва хабар қилиш:

- зарур маълумотни аниқлаш;
- маълумот бериш;
- тузатиш;
- саволлар;
- жавоблар.

1.2 Ўз фикрини баён этиш, бошқаларнинг фикрини аниқлаш:

- далиллар (розилик/норозилик) ;
- билим (билиш/билмаслик, эслаш, унутиш, эхтимоллик, ишонч) ;
- модаллик (мажбурийлик, зарурият, эхтимолийлик, ижозат) ;
- истак (эхтиёж, истак, хоҳиш, афзал кўриш) ;
- ҳиссиётлар (қониқиш \ қоникмаслик, симпатиялар \ антипатиялар, мамнунлик, қизиқиш, ҳайрат, умид, ихлоси қайтиш, қўрқиш, ташвишланиш, миннатдорлик) ;

- ахлоқ (узр сўраш, маъқуллаш, афсус, ачиниш).

1.3 Ишонтириш:

- таклиф, илтимос, огоҳлантириш, маслаҳат, рағбатлантириш, ёрдам сўраш, таклиф этиш.

1.4 Мулоқот:

•эътиборни тортиш, мурожаат қилиш, саломлашиш, танишиш, қадах сўзи айтиш, хайрлашиш.

1.5 Сухбатнинг қурилиши:

• (28 та микрофункция, бошланиш, давом этиш, якун ва бошқалар).

1.6 Тузатиш:

• (16 та микрофункция).

2. *Макрофункции* – гапларнинг кетма кетлигидан иборат бўлган оғзаки ва ёзма нутқдан функционал фойдаланиш тоифаларидир, масалан:

- таърифлаш (баён этиш) ;
- ҳикоя қилиб бериш;
- изоҳ, шарҳ;
- мулоҳаза;
- тушунтириш;
- исботлаш;
- насихат;
- асослаш;
- ишонтириш ва бошқалар.

3. *Ўзаро муносаба схемалари*

Функционал компетенция, шунингдек ўз ичига мулоқотнинг асосини ташкил этувчи ижтимоий ўзаро муносабатлар моделларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларни ҳам олади. Коммуникатив фаолият (4.4.3 га қаранг) иштирокчилар ҳаракатларининг аниқ ташкил этилган кетма кетлигини назарда тутади. Оддий схема сифатида иккилик жумлаларни келтириб ўтиш мумкин, яъни:

савол: жавоб:

фикр: розилик/норозиик

илтимос/таклиф/узр: қабул қилиш/рад этиш

саломлашиш/табриклаш/тост: жавоб муносабати

Учлик жумлалар (биринчи сухбатдошнинг сўзлари – иккинчи сухбатдошнинг жавоби – биринчи сухбатдошнинг жавоб муносабати) энг кенг тарқалган модел ҳисобланади. Мураккаб, аниқ мақсадга йўналтирилган мулоқот шароитида тилдан қуйидагилар учун фойдаланилади:

- ишчи гуруҳлар тузиш ва иштирокчилар ўртасида алоқа ўрнатиш;
- вазиятнинг энг муҳим жиҳатларини аниқлаш ва ягона фикрга келиш;
- нимани ўзгартириш мумкин ва зарурлигини аниқлаш;
- ягона мақсадлар ва уларга эришиш йўллари аниқлаш;
- вазифаларни тақсимлаш;

- амалий ҳаракатларни ташкил қилиш, масалан:
- қўйилган вазифалар ва уларни ечимини аниқлаштириб олиш;
- иштирокчилар ҳаракатлари кетма кетлигини мувофиқлаштириш;
- ўзаро қўллаб-қувватлаш;
- оралиқ вазифа қанчалик бажарилганини аниқлаш;
- якуний мақсадни аниқлаш;
- амалга оширилган ишларни баҳолаш;
- биргаликдаги ҳаракатларни якунлаш.

Ҳар қандай мулоқот жараёнини схематик тарзда тасаввур этиш мумкин. Мисол тариқасида маҳсулот ва хизматларни харид қилишнинг умумий схемасини кўриб чиқишимиз мумкин («Бошланғич даража»га қаранг(1990), 8-боб):

1. Ҳаракат содир этиладиган жойга бориш.
 - 1.1 Дўконга, ресторанга, вокзалга, меҳмонхонага йўлни излаш.
 - 1.2. Аниқ бир бўлимни, столни, кассани ва бошқаларни излаш.
2. Мулоқотга киришиш.
 - 2.1. Сотувчи/официант, рўйхатга олувчи ва бошқалар билан саломлашиш.
 - 2.1.1 Маҳсулотларни/хизматларни таклиф этувчига салом бериш.
 - 2.1.2 Харидорга салом бериш .
3. Маҳсулотлар/хизматларни танлаш.
 - 3.1 Зарур маҳсулот/хизматлар тоифасини танлаш .
 - 3.1.1 Маълумот бериш.
 - 3.1.2 Мавжуд маҳсулотлар/хизматларни танлаш.
 - 3.2 Уларнинг афзаллик ва камчиликларини (сифати, нархи, ранги, ўлчами ва бошқаларни) муҳокама этиш.
 - 3.3. Маълумот излаш.
 - 3.3.1 Маълумот бериш.
 - 3.3.2 Маслаҳат сўраш.
 - 3.3.3 Маслаҳат бериш.
 - 3.3.4 Афзал кўришни билдириш.
 - 3.3.5 Афзал кўришни билдириш ва бошқалар.
 - 3.4 Маълум маҳсулотни танлаш.
 - 3.5 Маҳсулотни кўздан кечириш.
 - 3.6 Харидга розилик.
4. Пулни маҳсулотга алмаштириш.
 - 4.1 Ҳар бир харид нархини келишиш.

- 4.2Барча харидлар нарҳини келишиш.
- 4.3Пулни тўлаш/олиш.
- 4.4харидлар ва чекни бериш/олиш.
- 4.5Миннатдорчилик сўзлари айтиш.
- 4.5.1Сотувчининг миннатдорчилиги.
- 4.5.2 Харидорнинг миннатдорчилиги.
- 5.Хайрлашиш.
- 5.1Ўзаро ҳурматни билдириш.
- 5.1.1Сотувчининг сўзлари.
- 5.1.2 Харидорнинг сўзлари.
- 5.2Умумий мавзуда маълумот алмашиш (об-ҳаво, маҳаллий икир-чикирлар)
- 5.3Бевосита хайрлашиш.
- 5.3.1Сотувчининг сўзлари.
- 5.3.2 Харидорнинг сўзлари.

Қайд этиш керакки, сотувчилар ва харидорлар бугунги кунда ҳар доим ҳам юқорида кўрсатилган моделларга қатъий риоя этишавермайди.

Функционал компетенция даражасининг иккита асосий кўрсаткичи куйидагилардан иборат:

- а) **равонлик**– ўз фикрларини аниқ ва равон баён этиш, мураккаб ва қийин вазиятлардан чиқиб кета олиш қобилияти;
- б) **аниқлик**.– ўз фикрларини суҳбатдошларига аниқ ва тушунарли тарзда етказа олиш қобилияти.

	ОҒЗАКИ НУТҚНИНГ РАВОНЛИГИ
С2	<i>Узун жумлалар тузган ҳолда ўз фикрини эркин варафон баён этади. Маълум маънони англатувчи сўзни, зарур мисолни топиш учун озроқ паузалар қилиши мумкин.</i>
С1	<i>Ўз фикрларини равон ва деярли эркин баён этади. Фақат ўта мураккаб мавзудаги мулоқотда қийналиши мумкин.</i>
	<i>Узун жумлалар тузган ҳолда тайёрланмасдан мулоқот қила олади.</i>
	<i>Нисбатан эркин ва равон гапиради, зарур сўз ва жумлаларни топишда тўхталиб қолиши мумкин. Тил вакили билан эркин ва бемалол мулоқот қила олади.</i>
	<i>Фикрларини анча эркин баён этади, зарур сўз ва жумлаларни топишда тўхталиб қолиши мумкин, ҳар доим ҳам зарур жумлаларни топа олмайди, аммо умуман олганда, бировнинг ёрдамисиз мулоқот қила олади.</i>
	<i>Ўз фикрини тушунарли тарзда баён эта олади, аммо кейинги жумлаларни тузишда сезиларли тўхталишлар юз беради, олдиндан тайёрланмаган мулоқотларда аксарият ҳолларда фикрини ўзгартиришга мажбур бўлади.</i>

A2	<i>Қисқа жумлаларда ўз фикрини баён эта олади, аммо бу жараёндатутилиб қолади ва паузалар қилади.</i>
	<i>Қисқа жумлаларни туза олади, аммо узун тўхталишларга, тутулиб қолишларга тўғри келади.</i>
	<i>Асосан ёдлаб олган сўзларидан қисқа гаплар туза олади.</i>
	<i>Сўзларни узоқ танлайди, зарур сўзларни тополмай тез-тез пауза қилади, нотаниши сўзларни талаффузига қийналади.</i>
	АНИҚЛИК
	<i>Тил воситаларининг кенг спектридан фойдаланган ҳолда (масалан, равиш даражалари, эргаиш гап) маънони аниқ етказа олади.</i>
	<i>Икки хил талқинни бартараф этиб, нисбатан муҳим маълумотни ажрата олади.</i>
С1	<i>Ишонч/ишончсизлик, аниқлик/шубҳани акс эттирган ҳолда аниқ баҳо бера олади.</i>
B2	<i>Батафсил маълумотни аниқ ва тўғри етказа олади .</i>
	<i>Масала, муаммо моҳиятини анагина аниқ баён эта олади.</i>
	<i>Оддий маълумотни етказиб бериши мумкин, энг муҳим нарсаларни ажрата олади. Масаланинг моҳиятини тушунарли тарзда баён эта олади.</i>
A2	<i>Таниш ва кундалик мавзулардаги маълумотларни оддий алмашиш жараёнида тушунарли тарзда фикрини баён эта олади, бошқа вазиятларда эса фақат сўз бойлиги доирасида жавоб бериши мумкин.</i>
A1	<i>Дескриптор мавжуд эмас.</i>

<p><i>Қуйидаги саволларни таҳлил қилиш ва уларга жавоб қайтариш тавсия этилади:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> •ўқувчи дискурсининг қандай параметрларини эгаллаган бўлиши керак; •ўқувчи қандай макрофункцияларни бажара олиши керак; •ўқувчи қандай микрофункцияларни бажара олиши керак; •ўқувчи ўзаро муносабатнинг қандай схемаларини эгаллаган бўлиши керак; •у ўқишнинг бошида мазкур моделларнинг қайси бирларини эгаллаган бўлади ва қайсилаини унга ўргатиш зарур; <ul style="list-style-type: none"> • микро ва макрофункциялар қандай мезонлар асосида танланади; •прагматик компетенция ривожини қандай мезонлар асосида баҳолаш мумкин.

Наргис Қосимова таржимаси.